

## МЕТАФОРА ФЕНОМЕНИНИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИНЪИКОСИ СИФАТИДА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Зилола Нарбаевна ХУДАЙБЕРГЕНОВА

Филология фанлари доктори, профессор  
Бартин Университети, Туркия

## СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ ИЗУЧЕНИЯ ФЕНОМЕНА МЕТАФОРЫ В КАЧЕСТВЕ ОТРАЖЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ И ПРОБЛЕМЫ ЕЁ ВОССОЗДАНИЯ В ПЕРЕВОДЕ

Зилола Нарбаевна ХУДАЙБЕРГЕНОВА

Доктор филологических наук, профессор  
Университет Бартин, Турция

## MODERN APPROACHES TO STUDY OF THE PHENOMENON OF METAPHOR AS A REFLECTION OF NATIONAL CULTURE AND PROBLEMS OF ITS RECREATION IN TRANSLATION

Zilola Narbaeva KHUDAYBERGENOVA

Doctor of philological Sciences, Professor

Bartın University, Turkey [aloliz74@mail.ru](mailto:aloliz74@mail.ru); [zkhudaybergenova@bartin.edu.tr](mailto:zkhudaybergenova@bartin.edu.tr)

UDC (ЎУК, УДК): 911.512.19.

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):**

Худайбергенова З. Н. Метафора феноменини миллий маданиятнинг инъикоси сифатида тадқиқ этишнинг замонавий йўналишлари ва таржимада қайта яратиш муаммолари// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.— № 4 (33). — Б.175-185.

<https://doi.org/10.36078/1605533742>

**Received:** August 20, 2020

**Accepted:** October 17, 2020

**Published:** November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

**Аннотация.** XXI асрда юзага келган тилшуносликнинг янги йўналишлари тил ҳодисаларини янги нуқтаи назарлар, мезонлар, меъёрлар асосида тадқиқ этишни тақозо этади. Тилшунослик ва маданиятшунослик фанларининг ўзаро кесишуви сифатида майдонга келган лингвомаданиятшунослик соҳаси “дунёнинг тил манзараси”, “концепт”, “дискурс” каби янги тушунчаларнинг истеъмолга киритилишига сабаб бўлди. Янги тушунчалар, ўз навбатида, тил ҳодисаларини “инсон + тил + маданият” призмаси орқали ўрганиш заруратини яратди. Метафора анъанавий тилшуносликда маъно кўчишининг усулларида бири сифатида тадқиқ этилган. Тилшуносликнинг стилистика бўлимида эса метафора нутқнинг беазаги, фикр ифодалашнинг ўзига хос шакли экани эътироф этилади. Лингвомаданий тадқиқотлар доирасида майдонга келган илмий қарашлар метафорани маълум бир халқнинг миллий, ўзига хос, специфик дунёқарашини ифода этувчи муҳим воситалардан бири тарзида ўрганишнинг долзарблигини кўрсатди. Метафора миллий дунёқарашни ифодаловчи воситалардан бири эканлиги, уларни таржимада қайта яратишда таржимон олдида мураккаб вазифани қўяди. Ушбу мақолада метафорани англаш ва дунёни ифода этишнинг специфик усули сифатида тадқиқ этишнинг замонавий йўналишлари тадқиқ этилди. Бу ўринда метафорани шакллантирувчи унсурлар, метафораларнинг турлари, уларни таржимада беришнинг ўзига хос хусусиятлари, муаммолари

ўрганилди. Метафоранинг ўзига хосликлари ва таржимада берилиш масалалари турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг “Муҳаббат симфонияси” романининг турк ҳамда ўзбек тилларидаги нусхаларидан олинган мисоллар орқали таҳлилга тортилди.

**Калит сўзлари:** метафора; лисоний метафора; бадиий метафора; таржима; метафора компонентлари.

**Abstract.** New trends in linguistics in the XXI century require the study of language phenomena based on new perspectives, criteria, and norms. The field of linguistic and cultural studies, which emerged as the intersection of linguistic and cultural studies, has led to the emergence of new concepts, such as “language picture of the world”, “concept”, “discourse”. New concepts, in turn, created the need to study language phenomena through the prism of “man + language + culture”. It is generally known that metaphor has been studied in traditional linguistics as one of the ways to convey a figurative meaning. In the stylistic section of linguistics, a metaphor is defined as a decoration of speech and a peculiar form of expression. Scientific views that have appeared in the field of linguistic and cultural studies have shown the relevance of studying metaphors as one of the important means of expressing the national, specific worldview of a particular nation. The fact that metaphor is one of the ways to express national worldviews makes it difficult for the translator to recreate them in translation. This article explores modern approaches to the study of the phenomenon of metaphor as a specific type of perception and understanding of the world. It also analyzes the elements that form the metaphor, types of metaphors, methods and problems of transferring metaphors in translation. Features of metaphors and problems of their translation are analyzed using examples taken from the Turkish and Uzbek versions of the novel “Symphony of love” by the famous Turkish writer Rashad Nuri Guntekin.

**Keywords:** metaphor; linguistic metaphor; literary metaphor; translation; metaphor components.

**Аннотация.** Новые тенденции в лингвистике в XXI века требуют изучения языковых явлений на основе новых перспектив, критериев, норм. Область лингвокультурологических исследований, возникшая как пересечение лингвистических и культурных исследований, привела к появлению новых понятий, таких как «языковая картина мира», «Иконцепт», «дискурс». Новые концепции, в свою очередь, создали необходимость изучения языковых явлений через призму «человек + язык + культура». Общеизвестно, что метафора изучалась в традиционной лингвистике в качестве одного из способов передачи переносного значения. В стилистическом разделе лингвистики метафора определяется в качестве украшения речи и своеобразной формы выражения. Научные взгляды, появившиеся в области лингвокультурологических исследований, показали актуальность изучения метафоры как одного из важных средств выражения национального, специфического мировоззрения конкретной нации. Тот факт, что метафора является одним из способов выражения

национального мировоззрения, ставит перед переводчиком трудную задачу по воссозданию их в переводе. В данной статье исследуются современные подходы к изучению феномена метафоры в качестве специфического типа восприятия и понимания мира. Также анализируются элементы, образующие метафору, типы метафор, способы и проблемы передачи метафор в переводе. Особенности метафор и проблемы их перевода анализируются на примерах, взятых из турецкой и узбекской версий романа известного турецкого писателя Рашада Нури Гюнтекина «Симфония любви».

**Ключевые слова:** метафора; лингвистическая метафора; литературная метафора; перевод; компоненты метафоры.

**Кириш.** Анаъанавий тилшуносликда таржимани тиллараро ўзгартириш жараёни, бир тилдаги матнни бошқа тилга трансформацияси, бир тилдаги матнни иккинчи тилдаги муқобил матн билан алмаштириш, бир тилда баён этилган фикрларни бошқа тил воситалари билан етказиш жараёнлари ўлароқ қабул қилинади. Таржимашуносликда когнитив ва психолингвистик йўналишнинг тараққиёти натижасида таржиманинг адекватлиги, асл нусхага мослиги, авваламбор, тил ўртасидаги фарқларни тушунишга эмас, балки муаллиф матни мазмун-моҳиятини тушуниш, концептуал тизимлар мазмунидаги фарқлар, когнитив структураларнинг мутаносиб эмаслиги билан белгиланадиган коммуникантлар онгининг, яъни миллий ўзига хос компонентларнинг мос келмаслигини англаш билан изоҳланади.

Таржима назариясида метафоралар таржимасига машаққат талаб этувчи масалалардан бири сифатида қаралади. Бу масалага бағишланган ишлар ҳар доим долзарблик касб этади, зеро, бадий асар таржимони кўпинча метафораларни таржимада айнан бериш борасида қийинчиликка дуч келишади. Сифатли таржимани амалга ошириш учун таржимон таржима назарияси бўйича керакли билимга, амалий таржима қилиш қўникмаларига ҳамда таржима қилинаётган асар халқи маданияти ҳақида маълумотга эга бўлиши зарур.

Метафоранинг мазмунини, мақсад ва вазифаларини белгилаш учун уни, авваламбор, англаш зарурати юзага келади. Англаш масаласи тилшуносликда турли аспектларда ўрганилган. Замонавий илмий адабиётларда англаш жараёнини ифодаловчи турли атамалар учрайди. Ушбу атама билан жараённинг ўзи ҳам, натижаси ҳам номланиши мумкин (9, 12). Бундан ташқари, “идроқ қилиш” атамаси мавжуд бўлиб, бу атама “англаш”нинг синоними сифатида қабул қилинади, шунингдек, англаш жараёни босқичларини белгилаш учун қўлланилади. А.И. Новиковнинг қайд этишича, “идроқ этиш” атамаси остида кўпинча англаш жараёнининг бошланғич босқичи тушунилади (12, 16). А.А. Залевскаянинг фикрига қараганда, индивид руҳий фаолиятининг умумий қонуниятларига мувофиқ равишда, биринчи навбатда, уни йўналтираётган ғоялар, эътибори қаратилган йўналишлар, шахсий қарашлар, вазият ва бошқа бир қатор омилларга кўра ўзи кутаётган ёки истаётган нарсасини кўради (9, 249). Мазкур мақолада бадий адабиётни реципиент билан ўзаро таъсири эмас, балки уни англаш натижаси ўрганилади, шу сабабли “англаш” атамаси “натижа” маъносида қўлланилади. Яъни реципиент — таржимон бадий асарда қўлланилган метафораларни тушундими, қанчалик тушунди, метафораларнинг орқа планида қандай мазмун яширилган бўлади, таржимон уни чет тилида қай даражада яратиб бера олиши керак, деган саволларга жавоб излаймиз. Чунки метафорани англаш

даражалари турлича бўлиши мумкин. Таржимоннинг вазифаси эса таҳлил босқичида образнинг функционал доминантасини тўғри аниқлаш ва таржимада уни етказиб беришга ҳаракат қилишдан иборат (10, 144; 11, 98).

А. Вежбискаянинг таъкидлашича, маданий ўзига хослик маданий универсалияларнинг мавжуд бўлишини талаб этади. Ҳар қандай солиштириш умумий ва хусусий белгиларни тақозо этади (5, 270–274). Метафора — тилдаги универсал ҳодиса бўлиб, образлилик категорияси ҳам тил универсалиялари қаторига киради. Метафора образлиликни ифодаловчи воситалардан бири сифатида барча тиллар ва барча даврларга хосдир.

Метафорада тил тааллуқли бўлган миллий маданиятни бевосита акс эттирувчи экстралингвистик мазмун мавжуд бўлади. Миллий-маданий компонентни ўз ичига олган бирлик ҳисобланувчи метафорани таржима қилиш таржимондан фон билимларини тадқиқ этиш, турк тили эгалари дунёси манзарасининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи маданий, боғланишли ассоциациялари каби қатламини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Мазкур мақолада маъно кўчиш усулларида бири саналган метафорани миллий дунёқарашни акс эттирувчи феномен сифатида тадқиқ этилишига доир фикрларни таҳлил этиш, бу тил ҳодисасини тилшуносликнинг янги йўналишлари нуқтаи назаридан таърифлаш ва таснифлаш масалаларини ўрганиш ҳамда метафораларни таржимада бериш, миллийлик унсурини қайта яратишнинг муаммоларини ўрганиш мақсад қилинган.

**Асосий қисм.** Анъанавий тарзда олганда, метафора воқеълик объектларини англашнинг асосий усулларида бири, сўзлар, янги маъноларини ҳосил қилиш манбаси, образли нутқ ёки поэтик нутқнинг доимий захирасидир, демакки, метафора учун когнитив, номинатив, характерловчи ва бадиий вазифалар хосдир.

Замонавий когнитив тилшунослик метафоранинг юқоридаги анъанавий таърифидан бутунлай воз кечади. Яъни улар метафорани қиёслаш усули, нутқни безаш усули деган таърифни инкор этишади. Шунингдек, генератив лингвистикадаги метафорага икки чуқур базавий структураларнинг ўзаро таъсири сифатида таърифланган таърифга ҳам қўшилишмайди (Н. Хомский, Л.Н. Мурзин ва б.). Замонавий когнитив тилшунослик намояндалари (Ж. Лакофф, М. Жонсон, Н.Д. Арутюнова, А.Н. Баранов, Ю.Н. Караулов, В.З. Демянков, Е.С. Кубрякова ва б.) метафора дунёни англаш, тузилмасини қуриш ва тушунтириш усули сифатидаги асосий ментал операция тариқасида ўрганилади (4, 296). Шу тарзда, икки сўзнинг маъносини боғлайдиган метафора тасвирий восита эмас, балки икки тушунчавий сферани бирлаштирадиган ва воқеъликни концептуализациясида манба доиранинг тузилмасини шакллантириш имконини берадиган онгнинг асосий амалиёти (жараёни)дир. Метафора — бу, воқеъликнинг специфик концептуализацияси бўлиб, инсон мушоҳадасини аналогик имкониятларининг намоён бўлиши. Инсон нафақат метафора воситасида фикрлайди, балки метафоралар ёрдамида фикрлайди, улар воситасида ўз дунёсини куради.

А.Н. Баранов метафорага қуйидагича таъриф беради: “икки маъновий комплекс — мазмун /фокус/, манба ва қобик/фрейм/ мақсаднинг ўзаро таъсири натижасида юзага келувчи мураккаб когнитив феномен (2, 18)”. Бу таърифда М. Блек терминологиясига асосланган, унга кўра “фокус” (фосус) гапда кўчма маънода, яъни

метафорик маънода қўлланган сўз, “рама” (фрaме) — “фокус” атрофидаги ўз маъносида қўлланган сўзлар (3, 153–172).

Метафорани яратишда тўртта компонент иштирок этади: объектларнинг икки категорияси (метафоранинг асосий ва қўшимча субъектлари, улар учун қуйидаги атамалар жуфтлиги қўлланилади, айнан, рама ва метафорик фокус, тема ва контейнер, референт ва коррелят) ҳамда ҳар объект ёки объектлар синфига тааллуқли хусусиятлар (4, 296). Метафора объектларнинг бир синфига хос белгиларни бошқа объектлар синфига ёки улардан бирига — метафоранинг асосий (долзарб) субъектига мутаносибликда танлайди. Метафорик маъно уч компонентни билишдан келиб чиқади: денотатларнинг икки категорияси ва метафорада тилга олинган денотат характеристикаси. Метафорада иштирок этган денотатлар категориясининг характеристикаси турли тилларда ўзига хос кўринишда бўлади. Одатда, метафора тил эгаларининг ушбу объектлар категорияси ҳақидаги умумий, хусусан, мифологик, маданий, эмоционал баҳоли коннотацияларини ўз ичига олган тасаввурлари захирасига оид бўлади.

Икки турли денотатлар синфининг ўзаро таъсири метафоранинг асосий белгисини — унинг семантик икки тарафламалигини шакллантиради. Шундай қилиб, метафора тузилмасига икки компонент киради — унинг маъноси (актуал компонент хусусияти) ва унинг ёрдамчи субъекти образи. Масалан, “o ne tilkidir” – “у қанақа тулки” гапи аёл кишига нисбатан қўлланган бўлиб, бунда *tilki* сўзи ҳайвонлар синфига оиддир. “Тулки” сўзи билан ассоциация қилинадиган ва инсонга нисбатан қўлланиладиган сифатлар (эпчиллик, чапдастлик, чакқонлик, уддабуронлик, зийраклик, ўткирлик, ҳозиржавоблик, айёрлик, тезкорлик ва бошқалар) аниқ одамга нисбатан (метафоранинг актуал субъектига) ишлатилган. Синф учун иккиламчи сифатлар йиғиндисини (метафоранинг ёрдамчи субъекти) метафоранинг актуал субъекти моҳиятини англаш учун калит вазифасини ўтайди. Шу сабабли, метафора кўпинча лақаблар, шунингдек, фамилиялар асосида ҳам ётади. Метафоранинг денотатив соҳасининг кенгайтиши натижасида унинг маъноси тораяди ва мустаҳкамланади ҳамда тил фактига айланади. Масалан, *tilki* – айёр одам. Синфлар андозаси бошқа синфда, айтилишида одамлар синфида муайян турларни ажратишга имкон яратади. Шу тариқа, турк тилида қуйидаги сўзлар ва маънолар юзага келган: *tilkilik* — айёрлик, ҳийла, найранг, ҳийла-найранг, макр, шайтонлик, маккорлик, ҳийлагарлик, муғомбирлик; ўйноқлик, шўхлик; қичик, ноз, карашма (бош маъноси – тулкилар кўп бўладиган жой), *tilki masali* – ёлғон, алдам-қалдам иш, алдамчилик, бўлмаган гап, *tilkilemek* – айёрроқ бўлмоқ, *tilki uykusu* – ёлғондакам уйку.

Турк тилининг у ёки бу функционал услубида қўлланилувчи метасаломатлар ҳам шулар жумласидандир: масалан, талабалар орасида айниқса метафора-жаргонизмлар нутқни янада образли ва ёрқин бўлишига имкон яратади: *Bu odunun iki takintisi var* (бу довдининг (ўтинининг) икки “думи” бор); *armut* – нок (кўчма маънода: аҳмоқ, бўшбаёв); *hiyar* – бодринг (кўчма маънода: аҳмоқ, галварс, каллаварам); *kabak* – қовоқ, қовоқнинг майда, узунчоқ бир тури (кўчма маънода: ўқимаган оми одам, нодон, жоҳил, билимсиз, бирор соҳадан хабарсиз); *balkabađı* – ошқовоқ (кўчма маънода: эси йўқ одам, аҳмоқ, тентак, эси паст); *kereste* – арраланган тахта, ёғоч (кўчма маънода: калтафаҳм, қовоқбош, тўпори, лапашанг ношуд, беўхшов, кўпол, бесўнақай одам); *odun* – ёғоч (кўчма маънода: калтафаҳм, тўмтоқ, тўнка, каллаварам, галварс, калвак, ландавур, аҳмоқ, тентак, нодон, меров одам).

Мажбурий метафоралар дейилганда, предметларнинг асосий номлари (номинациялари) сифатида юзага келган троплар тушунилади: стулнинг оёғи, узукнинг кўзи, қоғоз варағи. Г.Н. Скляревская метафоранинг яна бир типи – генетик метафорани ажратадики, бу метафора мажбурий ёки лисоний метафора сифатида ўртага чиқади. Тилшуноснинг эътирофича, метафора тилда узок вақт истеъмолда бўлгач ёки мавҳум тушунча (соатнинг юриши, исённинг бостирилиши)га айланади ёки бирламчи образ билан алоқасини йўқотиб номинатив бирликка айланади (узукнинг кўзи, пичоқнинг учи ва б.). Генетик метафора бирламчи метафорикликни, ҳозирги замон тилидаги образлиқнинг йўқолганлигини ва манба сўз билан алоқанинг узилганлигини ифода этади (13, 41). Бироқ мажбурий метафораларда ҳам муайян маданиятнинг бирор жиҳати ўз ифодасини топади. Масалан, рус тилида бир-бирига мурожаат учун солнышко – куёшжон, куёшча метафорасини қўллашади. Россияда қишнинг узок давом этишини ҳисобга олсак, бу метафоранинг юзага келиш сабаби аён бўлади. Яъни куёш кам кўринган, кам иситган ҳудуд бўлганлиги сабабли ҳам куёш ўта қадрли ҳисобланади ва шу сабабли қалби учун яқин бўлган, севган одамлари учун айтилиб мурожаат сўзи сифатида ишлатилади. Албатта, русларнинг сочи сариқ, яъни куёш рангида бўлиши ҳам иккинчи сабабдир. Ўзбек тилида бу ифода йўқ бўлса-да, офтобим метафораси мавжуддир. Бу метафора асосан онага нисбатан ишлатилади: офтобим-онам шаклида. Бу ўринда онанинг ҳам, офтобнинг (куёшнинг) ҳам ягоналиги, инсон ҳаётига нур сочиб туриши асос олинган.

Кўплаб тадқиқотчилар лисоний ва образли (поэтик, бадий, индивидуал муаллифлик) метафораларни семасиологик ва стилистик тадқиқотларнинг турли объектлари сифатида эътироф этишади. Г.Н. Скляревскаянинг таъкидлашича, мазкур тадқиқотларда метафоранинг икки типини — бадий метафора ва лисоний метафора тилнинг бошқа ҳодисаларидан ажратиб олиниб тавсифланганда, дарров унинг иккиёклама моҳияти — тил воситаси ва поэтик фигуралиги ҳақидаги масала майдонга чиқди (13, 30).

Лисоний метафора, шундай метафора турики, кўпинча уларни оддий сўзлар фигурал мазмунга эғалигини хотирамизда сақламай туриб нутқда қўллаймиз (13, 31). Лисоний ва бадий метафораларнинг ўртасидаги муносабат турлича изоҳланади. Айрим тадқиқотчилар уларни бир-бирига қарама-қарши қўяди, бошқа тадқиқотчилар узвий алоқадаги бирлик деб талқин этишади (6, 121).

Лисоний метафора ва унинг таржимада берилишига мисол: Турк тилида вақтни хуш, вақтичоғлик билан ўтказиш маъносида *eğlenmek* феълини ишлатишади. Бу феълдан ясалган *eğlence* сўзи эса вақтни нашъали, хурсандчилик билан ўтказадиган нарсага ёки жой, йиғилиш, зиёфатга нисбатан ишлатилади. Р.Н. Гунтекин *gönül eğlencesi* бирикмасини йигит ва қиз ўртасидаги муносабат, ошиқ-мошиқликни ифодалаш учун ишлатади. Таржимон бу ўринда ўзбек тилининг имкониятидан фойдаланиб, эрмак сўзини қўллайди. Эрмак ҳам вақтни кўнгилчоғлик билан, зерикмай ўтказиш учун хизмат қиладиган ҳар қандай нарса, машғулотга нисбатан ишлатилади. Демак, асл матндаги *gönül eğlencesi* бирикмасини беришда “кўнгил эрмаги” деб сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланилади. Натижада, ўзбек тилидаги эрмак сўзининг ҳам янги метафорик маъноси шаклланади. Чунки ўзбек тилида муҳаббат билан боғлиқ бундай муносабатлар “ўйин” сўзи орқали берилдики, таржимон бу сўзнинг имкониятидан ҳам самарали фойдаланган.

Қиёсланг:

“Bu aşk değil Kınalı Yarıncak... Biraz ince bir gönül eğlencesi, bir heyesan oyuncağı...” (7, 42).

“Бу севги эмас, бу савдо эмас, Чарос... Бир оз нозик бир кўнгил эрмаги, бир ҳаяжон ўйинчоғи...” (8, 38).

“Bu üç aylık küçük eğlence bütün bir hayatı baştan başa kaplayan uzun, derin aşklardan daha tatlıdır...” (7, 47).

“Ламиа... Лекин бу кўнгил ўйинлари бутун бир ёз бўйи бизни севгидан ҳам зиёда масъуд этди” (8, 44).

Таржимон, бундан ташқари, айна маънода “кўнгил хурсандчилиги” бирикмасини ишлатадики, бу қўлланилишни ҳам таржимон маҳорати сифатида баҳолаш мумкин. Чунки турк тилининг стилистик имконияти “масум бир gönül eğlencesi” (маъсум, беайб, пок кўнгилхушлик) таъбирини қўллашга изн беради. Аммо ўзбек тилида сўзма-сўз таржимада стилистик ноқислик пайдо бўлади. Шу сабабли, таржимон берилган метафорани “масъум кўнгил хурсандчилиги” шаклида ўгириб тўғри йўл тутади:

“Şimdi kendi dudaklarınla bana cevap ver... Beni sevmiyorsun değil mi? Bu, sadece masum bir gönül eğlencesinden ibaret” (7, 22).

“Энди ўз дудокларингла менга жавоб бер... Мени севмайсан, шундай эмасми, Ламиа? Бу шунчаки маъсум бир кўнгил хурсандчилигидан иборат...” (8, 32).

Р.Н. Гунтекин ошиқ-мошиқлик муносабати маъносида вазиятга мос равишда heyesan oyuncağı метафорасига мурожаат қилади. Яъни қиз ва йигит ўртасидаги яқин муносабат ҳаяжон уйғотишини назарда тутиб, шу билан бирга, бу алоқанинг юзаки, сохта эканлигига китобхон эътиборини қаратиш учун “ҳаяжон ўйинчоғи”дай баҳоланади. Бу ўринда ўйинчоқ сўзининг ўзбек тилида ҳам кўчма маънода ишлатилиши боис, таржимоннинг таржимаси ёзувчи ғоясини тўла ифодалаган, дейиш мумкин.

Бадий метафора билан лисоний метафоранинг мутаносиблиги масаласи икки тарзда ҳал қилиниши мумкин: улар иккаласи бир объект сифатида ўрганилиши мумкин ёки уларнинг ўртасида шунчалик катта фарқ борки, ҳар иккови алоҳида мустақил объект сифатида тадқиқ этилиши мумкин. Тилдаги метафора ва бадий метафоранинг семантик жараёнлари тамойиллари нуктаи назардан ўхшаш эканлиги, уларнинг қўлланилиш доираси ўзаро бир-бирига кесишувчи бўлганлиги ҳамда бу икки метафора ўртасида ўтиб бўлмайдиган чегаранинг йўқлиги уларни бир объект сифатида ўрганиш имконининг мавжудлигини кўрсатади (1, 147–174).

Лисоний ва бадий метафораларни қарама-қарши қўйиш жараёнида шу ҳолатни таъкидлаш мумкинки, лисоний метафорада ассоциатив алоқалар объектив бўлиб, сўзловчининг индивидуал дунёқарашини ва тилдаги тажрибаларини акс эттиради, шу туфайли улар субъектив ва умумий билимга нисбатан тасодифийдир (14, 192–194).

Бадий ва лисоний метафораларнинг лексик мавқеини эътиборга олсак, улар ўртасида катта тафовут мавжуд. Лисоний метафора — анчагина бемалол тарзда семантик муносабатга киришадиган мустақил лексик бирлик, бадий метафора ҳар доим контекст билан боғлиқ бўлиб, лексик мустақилликка эга эмас (1, 167–174).

Шунингдек, лисоний ва бадий метафора ўртасидаги фарқ метафорик маънонинг семантик структураси даражасида ҳам кузатилади. Лисоний метафоранинг лексик маъноси типик схемаларини

тузиш ва структурлаштириш мумкин, айти чоғда ҳар бир бадиий метафора ягона ва такрорланмасдир.

Бадиий метафорага бир мисол келтирайлик: Рашод Нури Гунтекиннинг “Dudaktan Kalbe” романи ўзбек тилига Миразиз Аъзам томонидан “Муҳаббат Симфонияси” шаклида ўгирилиб чоп этилган. Бу романнинг бош қаҳрамони — Лаmiaга нисбатан ёзувчи узум навининг номи — “Kınalı Yarıncak” (хиноли ёпинчиқ) бирикмасини ишлатади:

“— İstanbul'un kınalı yarıncığından istemez misiniz Kenan Bey?”

Bu suali Nimet Hanım gülerek sormuştu. Dolabın ağır iniltilerini dinleyerek yavaş yavaş gözlerim kapayan Kenan, başını çevirmeden cevap verdi:

— Rica ederim, bana artık üzümünden bahsetmeyin Nimet Hanımefendi...

Nimet Hanım, daha manalı bir surette gülüyordu:

— Benim Kınalı Yarıncak'ımı görürseniz söylediğimize pişman olacaksınız...” (7, 22).

Таржимада “Kınalı Yarıncak” узум нави номи учун “Чарос” сўзини қўллашни маъкул кўради:

— Истанбулнинг Чаросидан татиб кўрмайсизми, Канонбей?..

Кулатуриб бу саволни берган Неъматхоним эди. Кудук чиғирининг оғир ғижир-ғижирларини бир оз ғашланиб эшитган, аста-аста кўзларини юмиб олаётган Канон бошини ўгирмасдан жавоб берди:

Илтмос, менга ортиқ узумдан гап очманг, Неъматхоним афанди...

Неъматхоним маънолироқ бир суратда кулар эди:

— Менинг Чаросимни кўрсангиз, айтган гапингизга пушаймон бўласиз...” (8, 29).

Р.Н. Гунтекин Неъматхонимнинг тили билан Ламияни нима учун “Kınalı Yarıncak” деб чақирилишини изоҳлайди:

“Бу кўёк Истанбул кизина байилёрум, Кенан Бей... Не ғирин деғил ми? Ниҳин она Кинали Йапінсак дедиғими табиі анладиниз? (Пармағйле гўзлеринин алтина, кирпиклерине докунуёрду). Шу ғиллере бакін... Кадінлар бундан өлүм гиби коркар... Халбуки Ламиағнин янакларина не кадар ярағиёр, Истанбулун шеффаф дерилери кирмизисми бенеклерле лекели кинали япінсакларина бензиёр...” (7, 23).

“— Бу кичик Истанбул қизига қаранг, одам деган ҳам шунчалик чиройли бўладими, Канонбей... Жудаям ширин-а, тўғрими? Нега уни Чарос деганимни тушунган бўлсангиз керак? (Бармоғини кўзларини остига, кипригига теккизарди). Мана бу сепкилларга қаранг... Хотинлар бундан ўлимдан кўрққандай кўрқадилар... Холбуки, Ламиянинг яноқларига шунчалик ярашганки... Истанбулнинг шаффоф терили, қорага яқин қизғимтир холли чаросларига ўхшайди...” (8, 32).

Ўзбек тилида чарос сўзи эрта пишар, қора юмалоқ узум турига нисбатан ишлатилади. Шу билан бирга, чарос кўз қора кўз маъносини ҳам билдиради. Бундан ташқари, ўзбек тилида Чарос атоқли от сифатида қизларга нисбатан ишлатилади. Ёзувчи таърифига кўра, Ламия оқ-сарикдан келган қиз, чунки муаллиф Ламиянинг қалин, сиқиб ўрилган сариқ сочларини, куёшдан куйган очик манглайини таъкидлайди. Кенаннинг назарида Ламиянинг кўринишига диққат қиламиз: “Канон улардан узоқроқда турар, енгил кулимсираб Ламияга боқарди. Нозли сиймоси, очик яшил сузгун кўзлари, узун гап кўтармайдиган бурни бор эди. Куёш нозик, тиник терисига заррин бир ёниқлик берган, ёноқларининг кўзларига яқин жойларини билинар-билинемас сепкил босганди”. Бу ўринда кўрамызки, таржимон, бир томондан, Ламия учун лақаб сифатида ўзбек тилида мавжуд бўлган узум номини ишлатади, лекин, афсуски, бу метафора том маънода ўзини оқламайди.



**Хулоса.** Янги юз йилликда тилшунослик соҳасида юзага келган тадқиқот йўналишлари аввалдан анъанавий тилшунослик доирасида тадқиқ этилган тил ҳодисалари ва тил бирликларини бошқа нуқтаи назарлар ва мезонлар асосида ўрганишга кенг йўл очди. Натижада маъно кўчиши усулларида бири ўларок, таҳлил этилган метафорани ҳам миллий дунёқарашнинг инъикоси сифатида ўрганиш имконини яратди. Метафорани маълум бир миллатнинг дунёқарашини акс эттирувчи унсурлардан бири сифатида баҳоланиши таржимонлар зиммасига яна бир муаммони — метадораларни таржима тилида қайтадан яратиш масаласига янада жиддийроқ ёндашиш масаласини кўяди.

Турли тиллардаги образлар тизимидаги ўхшашликлар, муаллиф образли ифодалари, окказионал сўз қўллашларининг сўзма-сўз бериш имкони мавжудлиги таржимон ишини анчагина енгиллаштиради. Шу билан бирга, айти пайтда асарнинг образли ифодалари тизими таржимонда энг кўп қийинчилик туғдирадиган соҳаси бўлиб, таржиманинг сифати мутаржимнинг сезиш, тасаввур қилиш қобилиятига тўла боғлиқ бўлади. Ҳар бир образ индивидуал, такрорланмас, ўзига хос бўлганлиги сабабли алоҳида ёндашувни талаб этади. Таржимоннинг бу вазифаси яна метафоранинг аслида тилдан ташқарида мавжуд бўлган, фақат мулоқотда реаллашадиган тил эгаларининг концептуал тизими, уларнинг меъёрий қарашлари, тасаввурлари, баҳолаш мезонлари билан узвий алоқада эканлиги билан мураккаблашади. Метафора — авваламбор, дунё ҳақидаги мушоҳаданинг сўз шакли бўлиб, тил луғат фондини бойитиш усули ҳисобланади.

Асл матн ва таржима тиллари ўртасидаги грамматик ва лексик фарқлар, таржима тилининг маълум меъёрларига амал қилиш зарурияти кўпинча таржимонни асл матндаги компонентлардан воз кечиш, уларга муқобил келувчи бирликларни излашга мажбур қилади. Бу вазифани, агар ҳар икки тилдаги образларнинг функционал характеристикаси мос келса, бажариш мумкин. У ҳолда образли ифодани таржимада сақлаб қолишнинг имконияти мавжуд ва мақсадга мувофиқ. Аммо кўпинча тил меъёрлари “ёзилмаган чегаралар”ни кўяди. Одатда, бу вазият, образли ифодани бошқа тилда қайта яратишда, когнитив аспект эмоционал-экспрессив ёки директив вазифа билан мутаносиб келмаганда юзага келади. Бундай номутаносиблик вужудга келганида, образли ифодани, хусусан, метафорани трансформациялаш ёхуд уларнинг бирон-бир вазифасидан воз кечиш зарурияти туғилади.

Таржима жараёнида метафорани тушуниш муаммоси юзага келишига шубҳа йўқ. Чунки таржимон тўғри тушунган фикрини таржимада ифодалаб бериши, чет тилидаги муаллиф матнини айнан идрок этиб, муаллиф ғоясини етказиб бериши керак. Анаъанавий тарзда таржимани когнитив ва психоллингвистик ёндашувлар нуқтаи назаридан ўрганиш унинг бир тил белгиларидан бошқа тил белгиларига “шунчаки” ўтказиш, айлантириб қўйиш эмас, балки нутқий фаолиятнинг, фикрни қайта яратишнинг алоҳида тури эканлигини кўрсатди. Шу тариқа, таржима бирламчи матнни тушунишга асосланган когнитив фаолият тарзида майдонга чиқади. Шу сабабли, бизнингча, тиллар семантикасидаги ўзига хосликни ўрганиш эмас, балки англаш жараёнида матннинг миллий ўзига хослигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Китобхон таржима жараёнида унинг концептуал тизими учун муҳим бўлган компонентларни ажратади.

Малакали таржимон вазифаси муаллиф ғоясини, муаллифнинг реаллик бўлагини кўришидаги шахсий ўзига хослигини, хусусан,

метафорик тасаввурини қайта яратиб беришдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун асл матндаги барча компонентларнинг тузилмавий-мантикий алоқаларини тушуниш ҳамда таржимада уларни ифодалаш муҳим аҳамиятга эга. Таҷрибали таржимон муаллиф мақсадини айнан акс эттиришга ҳаракат қилиши, демак, матннинг тузилмавий-мазмуний алоқаларини ҳамда мутаносиб ментал мазмунни актуаллаштиришга интилиши керак.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. — Москва: Наука, 1999. — 896 с.
2. Баранов А.Н. Очерк когнитивной теории метафоры // Баранов А.Н., Караулов Ю.Н. Русская политическая метафора (материалы к словарю). — Москва: Ин-т русского языка РАН, 1991. — 321 с.
3. Блэк М. Метафора. Теория метафоры. — М., 1990. — С. 153–172
4. Большой энциклопедический словарь. Языкознание. Гл. ред. Ярцева В.Н. — Москва: Большая российская энциклопедия, 1998. — 685 с.
5. Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков. — Москва: Язык русский культуры, 1999. — 776 с. — URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01000598629>
6. Григорьев В.П. Поэтика слова. — Москва: Наука, 1979. — 343. — URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01007621182>
7. Güntekin R. N. Dudaktan Kalbe. — Ankara: TDK, 1992. — 122 б.
8. Гунтекин Р.Н. Муҳаббат симфонияси / Таржимон: Миразиз Аъзам — Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2011. — 154 б.
9. Залевская А. А. Понимание текста: психолингвистический подход. — Калинин: Калинин. гос. ун-т, 1988. — 95 с. — URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01001445681>
10. Камалиева А. К вопросу о способах передачи турецкой лексики, содержащей фоновую информацию на русский язык / Таржимашунослар форуми. — Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2019. — С. 144–150.
11. Камалиева А. К вопросу о лингвостилистической характеристики рекламного текста/ Ўзбекистон-Хитой алоқалари янги босқичда: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривожиди. — Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2019. — С. 97–100.
12. Новиков А.И. Семантика текста и ее формализация. — Москва: Наука, 1983. — 215 с.
13. Складневская Г.Н. Метафора в системе языка. — Москва: Наука, 1993. — 150 с.
14. Телия В.Н. О номинативном аспекте лексической семантики // Проблемы значения в современной лингвистике. — Москва: Наука, 1977. — С. 125–137

#### References

1. Arutyunova N.D., *Yazyk i mir cheloveka* (Language and the human world). Moscow: The science, 1999. 896 p.
2. Baranov A.N., *Ocherk kognitivnoi teorii metafory* (An essay on the cognitive theory of metaphor), Moscow: Russian language Institute of the Russian Academy of Sciences, 1991. 321 p.
3. Blek M., *Metafora. Teoriya metafory* (Metaphor. Metaphor theory), Moscow, 1990. pp. 153–172
4. *Bol'shoi entsiklopedicheskii slovar'. Yazykoznanie. Gl. red. Yartseva V.N.* (Large encyclopedic dictionary), Linguistics, ed. Yartseva V. N., Moscow: Big Russian encyclopedia, 1998. 685 p.

5. Vezhbitskaya A., *Semanticheskie universalii i opisaniye yazykov* (Semantic universals and description of languages), Moscow: language of Russian culture, 1999, 776 p.  
Available at: <https://search.rsl.ru/ru/record/01000598629>
6. Grigor'ev V.P., *Poetika slova* (Poetics of the word), Moscow: The science, 1979, 343. Available at: <https://search.rsl.ru/ru/record/01007621182>
7. Güntekin R. N., *Dudaktan Kalbe* (Lip to Heart. Ankara), Ankara: TDK, 1992, 122 p.
8. Guntekin R.N., *Muhabbat simfoniyasi / Tarzhimon: Miraziz A"zam* (Symphony of love / translator: Miraziz Oyzam), Tashkent: Gafur Gulom publishing house, 2011, 154 p.
9. Zalevskaya A. A., *Ponimaniye teksta: psikholingvisticheskiy podkhod* (Understanding text: a psycholinguistic approach), Kalinin: Kalinin State University 1988, 95 p.,  
available at: <https://search.rsl.ru/ru/record/01001445681>
10. Kamaliev A. *K voprosu o sposobakh peredachi turetskoi leksiki, sodержashchei fonovuyu informatsiyu na russkii yazyk / Tarzhimashunoslar forumi* (On the question of ways to transfer Turkish vocabulary containing background information into Russian. Trinasolar of forumi. Tashkent: Tashkent State University of Oriental Studies, 2019, pp. 144–150.
11. Kamaliev A., *Uzbekiston-Khitoi aloqalari yangi bosqichda: tarikhii-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivozhi* (Uzbek-Chinese relations are at a new stage: the development of historical, cultural, scientific and economic relations), Tashkent: Tashkent State University of Oriental Studies, 2019, pp. 97–100.
12. Novikov A.I., *Semantika teksta i ee formalizatsiya* (Text semantics and its formalization), Moscow: The science, 1983, 215 p.
13. Sklyarevskaya G.N., *Metafora v sisteme yazyka* (Metaphor in the language system), Moscow: The science, 1993, 150 p.
14. Teliya V.N., *Problemy znacheniya v sovremennoy lingvistike* (Problems of meaning in modern linguistics), Moscow: The science, 1977, pp. 125–137.